

ТАРИХ ВА ҚИСМАТ ЧОРРАХАСИДАГИ ЖАСОРАТ

Тошкент давлат Шарқшунослик институти
Фалсафа факултети Фалсафа йўналиши
2- босқич талабаси **Раимбердиева Моҳинисо**

АННОТАТСИЯ: Ушбу адабий-танқидий мақолада “Мардлар шаҳри” қиссасининг сюжет қурилиши, ғоявий-фалсафий қатламлари, қаҳрамонлар руҳияти ва асарнинг ўзига хос тили ҳамда лектик-услубий жозибаси бугунги кундаги аҳанияти чуқур ва атрофлича таҳлил қилинади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: “Мадинат ар-рижол”, *„Хирқа, жиба, пешмат, нақиб, боргоҳ Шайхулислам, таҳаммул, Аъло ал-Мулук, Фахриддин Ҳабаш (Инон ан-Насафий), Чингизхон, Бухоро, Самарқанд*

КИРИШ. Тарихий асар ҳар қандай миллат адабиётида шунчаки ўтмиш воқеаларининг хронологик баёни эмас, балки халқнинг ўзлигини англаш, миллий руҳни шакллантириш ва тарихдан хулоса чиқариш воситаси ҳисобланади. ХХИ аср ўзбек насрида тарихий қисса ва роман жанрининг янги босқичга кўтарилиши том маънода миллий ўзликни англаш эҳтиёжи билан узвий боғлиқдир. Сирожиддин Самарийнинг 2026-йилда “Ижод Нашр” нашриётида чоп этилган ва Термиз шаҳрига “Мадинат ар-рижол” (“Мардлар шаҳри”) фахрий унвони берилганининг 800 йиллигига бағишланган “Мардлар шаҳри” қиссаси ана шундай теран бадиий-фалсафий изланишлар маҳсулидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ. Мўғул босқини — Марказий Осиё ва бутун Ислом дунёси тарихи учун энг фожиали ва шу билан бирга эл-юртнинг асл мардлик, жасорат синовидан ўтган бурилиш нуқтасидир. Ёзувчи Сирожиддин Самарий XIII асрнинг

биринчи чорагидаги Термиз мудофаасини асосий мавзу қилиб олар экан, ўқувчига шунчаки уруш манзараларини эмас, балки инсон руҳиятининг, эътиқод ва ватанпарварлик ҳиссининг қаҳрамонлар тимсолида очиб беради.

“Мардлар шаҳри” қиссасининг сюжет пойдевори реал тарихий воқеаларга ва Термиз саййидлари ҳамда шаҳар мудофаачилари ҳақидаги афсона-ривоятларга таянади. Асар воқеалари 1220-йилда, Чингизхон қўшинларининг Бухоро ва Самарқандни ер билан яксон қилгач, Жанубий Ўзбекистон, яъни Термиз қалъаси сари бостириб келиши даврини қамраб олади. Қисса сюжети параллел равишда ривожланувчи учта асосий тармоқдан ташкил топган. Биринчиси Термиз қалъасининг ички ҳаёти ва мудофаага тайёргарлиги ҳисобланади. Бу йўналишда Термиз волийси, саййидлар сулоласи вакили Аъло ал-Мулук ҳамда шаҳар лашкарбошиси Фаҳриддин Ҳабаш (Инон ан-Насафий) бошчилигидаги қаҳрамонона мудофаа тасвирланади. Қалъа аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб ёвга қарши матонати марказий ўрин тутди. Иккинчида, Саййид Абдулло ва Султон Моҳитобоннинг драматик тақдири ишонарли ёритилган. Аъло ал-Мулукнинг ўғли Саййид Абдулло мўғулларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида Балхга элчи қилиб юборилади. Бироқ Балхда асирга тушган Абдулло ўзининг ақл-идроки ва зийраклиги билан малика Дилоро бонунинг ўлим тузоқларидан омон чиқади. Бу чизиқда унинг севгилиси Султон Моҳитобон ва оиласининг кутилмаган фожиалари, фидоийлик ва муҳаббат мотивлари тасвирланади. Учинчидан, инқироз, сотқинлик ва фожиавий якун асарнинг асл моҳиятини очишга ёрдам беради. Қиссанинг энг драматик қисми — ўз жонини асраш ва ваъдаси сабаб мўғулларга жосуслик қилган, собиқ мерган Зурдағай ва хоразмшоҳ лашкарбошиси Зенги абу Ҳивзнинг калтафаҳм ҳаракатлари туфайли мудофаачилар таслим бўлади. Натижада шаҳар вайрон бўлади, аммо

Чингизхон Термиз аҳлининг мислсиз мардлигига тан бериб, уни “Мардлар шаҳри экан”, дея эътироф этади.

Сирожиддин Самарий қиссада қаҳрамонлар руҳиятини тасвирлашда бирёқлама қолиплардан қочган. Муаллиф ҳар бир характернинг ички кечинмалари, иккиланишлари ва руҳий манзараларини маҳорат билан очиб беради. Термиз волийси Аъло ал-Мулук шунчаки қалъа раҳбари эмас, балки халқнинг маънавий отасидир. Самарқандда қизи Султон Нуржаҳоннинг фожиали ҳалок бўлгани ва ўғли Саййид Абдуллонинг узоқда экани унинг ота сифатида юрагини тилса-да, шаҳар ҳукмдори сифатида эътиқодини йўқотмайди. Унинг эътиқоди “Тангрининг ўзи меҳрибондур” деган мустаҳкам таваккул ва маънавий устунга таянади. У эл-юрт омонлиги учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлган донишманд қиёфасида гавдаланади.

Лашкарбоши Фаҳриддин Ҳабаш (Инон ан-Насафий) — ҳарбий тактика ва қатъиятни ўзида мужассам этган образ ҳисобланади. Унинг руҳий дунёси синглиси Гулафшоннинг мўғуллар томонидан ваҳшийларча ўлдирилишидан сўнг ўткир қасос ва адолат туйғуси билан ёнади. Асардаги энг кучли ва психологик жиҳатдан кескин саҳналардан бири — Фаҳриддин Ҳабаш ва Тўқра нўён ўртасидаги яккама-якка олишувдир. Бу шунчаки жисмоний жанг эмас, балки икки дунёқараш, икки хил руҳнинг тўқнашувидир. Муаллиф уларнинг жанг олдида бир-бирига тикилишини “сўзсиз мулоқот” (нигоҳлар диалоги) сифатида тасвирлайди.

“Ҳабаш нигоҳи: – *Сенлар келгунингча бари яхши эди. Тангри берган ризққа шукр бирла иймон келтириб яшар эдик. Чумолининг уйини бузганлар қанча гуноҳ ва азобларга мустағрақ бўлишидин хабардормисен?* Тўқра ноён нигоҳлари: – *Аслида урушни бошлаган ким?*

Сенларнинг ҳукмдорларинг эмасми? Ўзларингга келган балои фатни сабабини ўзларингдан изламоқни сира хаёлингга келтирмайсен”.

Жанг поёнида Тўкра нўённинг бўғзидан тутган Ҳабашнинг куйидаги сўзлари унинг руҳий ва ғоявий устунлигини кўрсатади:

“ Унутмагилки, биз мудом мазлуммиз ва шундай қолурмиз. Балки ҳозир мазлублиятдан бошимиз эгилур, лек Яралганнинг сўроқ пайти бизнинг бошимиз мағрур тургай”.

Айнан ушбу ғалабадан сўнг Аъло ал-Мулук шаҳарга ва унинг мудофаачиларига “Биз мадинат ар-рижжолмиз!” (“Биз мардлар шаҳримиз!”) деган тарихий баҳони беради

Асардаги энг мураккаб ва фожиали психологик образ — собиқ мерган Зурдағайдир. Чингизхон томонидан ҳаёти сақлаб қолинар экан, у Термизга жосус сифатида юборилади. Бироқ Термизда яшаб, халқнинг меҳмондўстлигини, хусусан, дўст тутинган созанда Усрук Муғаннийнинг самимиятини кўргач, унинг руҳиятида оғир иккиланиш бошланади. У шаҳарни вайрон бўлишни хоҳламайди, аммо ҳоқон олдидаги бурч ва кўркув уни барибир хиёнат кўчасига етаклайди. Зурдағай — ички руҳияти заиф, ўзининг сотқинлиги туфайли ҳам мўғуллар, ҳам ўз виждони олдида қадрини йўқотган фожиавий шахсдир.

Қиссада аёллар образига ҳам алоҳида психологик урғу берилган. Асар кулминатсиясида Жайхун (Амударё) бўйида содир бўлган қирғин пайтида Ойша султоннинг ўз қизи Султон Моҳитобонни қутқариб қолиш учун қилган жасорати ҳайратланарлидир. Ойша султон мўғул навкарларининг эътиборини чалғитиш ва қизининг дарёга сакраб омон қолиши учун марварид дурларни ютиб юборади:

“Бу дурларни ёв навкарига кўрсатиб омонлик сўраб чалғитурмен. Сен Жайхунга ўзингни ташлаб омон қолгайсен... Ойша султон битта

дурни олди-ю, ютиб юборди... Мангуютой Оиша султонни қатл этиб унинг қорнини ёрди...”

Ушбу дахшатли ва фожиали эпизод ўзбек аёлининг оналик фидоийлигини, эркинлик йўлидаги чексиз жасоратини акс эттиради.

“Мардлар шаҳри” қиссасининг энг муҳим ютуқларидан бири — бу муаллифнинг тарихий тил устида олиб борган синчков ва пухта изланишларидир. Сирожиддин Самарий XIII аср муҳитини, ўша давр Термиз шаҳрининг маданий ва ҳарбий ҳаётини ўқувчи кўз олдида жонлантириш учун архаик ва тарихий лексикадан унумли фойдаланган. Асар тилида XIII аср ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ҳамда маиший турмушига оид кўплаб архаизмлар табиий ва ўринли қўлланилган. Хусусан, *Хирқа, жиба, пешмат, нақиб, боргоҳ Шайхулислам, таҳаммул* кабилар мисол бўлади. Ушбу сўзларнинг қўлланилиши шунчаки тарихий бўёқ бериб қолмай, ўқувчини ўша даврнинг маънавий-тил муҳитига тўлиқ олиб киради.

Самарий асарда табиат тасвирларини қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига мос равишда уйғунлаштиради. Айниқса, Амударё (Жайхун) асарда шунчаки дарё эмас, балки тарихдан сўзловчи, гувоҳ ва жонли образ сифатида гавдаланади:

“Қадимги Вахш ва Панж дарёлари мудом шошиб оқади. Уларнинг бу жиҳати бир-бирига талпинган икки маҳбуб янглиғ кўринади... Сўнг улардан Жайхун аталмиш зурриёт пайдо бўлади.”

Шунингдек, шаҳарга бостириб келаётган мўғул қўшинлари “кузги қора бўрон”га ўхшатилади. Термизнинг жазирама иссиғида эсувчи “гармсел” (жануб шамоли) эса мудофаачиларга ёрдам берувчи “учинчи ҳимоячи” сифатида тасвирланади. Асар матнига ўша давр Шарқ адабиёти вакиллари, хусусан, Адиб Собир Термизийнинг ғазал ва

рубойларининг сингдирилиши асар услубининг бадий қимматини янада оширган.

“Мардлар шаҳри” қиссасининг бош ғояси ватанпарварлик, озодлик, мардлик ҳамда бирдамликнинг устуворлигидир. Ёзувчи Чингизхоннинг кичик бир Термиз қалъасини эгаллашда катта куч ва навкарларини йўқотганини қалъанинг улкан маънавий жасорат сифатида баҳолайди. Асар китобхонга қуйидаги сабоқларни беради:

1. Парокандалик — инқироз сабабчисидир: Асарда Хоразмшоҳлар давлатининг парокандалиги, Зенги абу Ҳивз каби худбин ва манман лашкарбошиларнинг ўзбилармонлиги туфайли умумий мудофаа чизигига дарз кетиши кўрсатилади. Бу орқали муаллиф бирлик ва ҳамжихатлик бўлмаган жойда ҳатто энг қудратли қалъалар ҳам қулашини уқтиради.

2. Мардлик — жисмоний кучда эмас, руҳий устунликдадир. Термиз аҳлининг кексаю ёши, ҳатто фақир созандаси Усрук Муғаннийгача шаҳарни ҳимоя қилишга отланиши — бу маънавий жасоратнинг ғалабасидир.

3. Тарихий хотира ва маънавий сабоқ. Сирожиддин Самарий ушбу асари билан бугунги авлодни ўз аجدодларининг шонли ва қаҳрамонона ўтмишини унутмасликка, тинчлик ва эркинликнинг қадрига етишга даъват этади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Сирожиддин Самарийнинг “Мардлар шаҳри” қиссаси ХХІ аср ўзбек насрида ўзининг муносиб ва ёрқин ўрнига эга бўлган бадий асардир. Ёзувчи тарихий фактлар ва бадий тўқима мувозанатини усталик билан сақлаган ҳолда, ХІІІ асрнинг суронли ва фожиали манзараларини юксак маҳорат билан қайта тиклаган. Асар ўзининг пишиқ сюжети, қаҳрамонлар руҳиятининг чуқур

очилгани, бой ва архаик сўз қўллаш имкониятлари ҳамда ўткир ватанпарварлик ғояси билан ажралиб туради. Фахриддин Ҳабашнинг жасорати, Аъло ал-Мулукнинг сабр-матонати, Ойша султоннинг фидоийлиги ва ҳатто Зурдағайнинг трагик инқироzi китобхонни хушёрликка ва ҳаёт, миллат, эътиқод ҳақида теран мушоҳада юритишга чорлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Самарий, Сирожиддин. *Мардлар шахри* (Тарихий қисса). Тошкент: "Ижод Нашр", 2026. - 192 б.
2. Қуронов, Д. *Адабиётшуносликка кириш*. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
3. Расулов, А. *Танқид, талқин, қиймат*. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2006.
4. Ёқубов, И. *XXII аср ўзбек насрида бадиий тафаккур ва услуб изланишлари*. Тошкент: Академнашр, 2018.